

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ НУРБЕК РАЙИМБЕРГАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ СИЁСАТИ (1991-2021 ЙЙ.): ТАРИХИЙ
ТАҲЛИЛ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2022

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
historical Sciences**

Матякубов Нурбек Райимберганович

Ўзбекистонда уй-жой сиёсати (1991-2021 йй.): Тарихий таҳлил.....5

Матякубов Нурбек Райимберганович

Жилищная политика в Узбекистане (1991-2021 гг.): Исторический анализ.....27

Matyakubov Nurbek Rayimberganovich

Housing policy in Uzbekistan (1991-2021): a historical analysis51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ НУРБЕК РАЙИМБЕРГАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ СИЁСАТИ (1991-2021 ЙЙ.): ТАРИХИЙ
ТАҲЛИЛ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tar1031 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санобар Базарбаевна
Тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сарыбаев Маман Қытайбекович
Тарих фанлари доктори, доцент

Ишқуватов Валиқул Турдиевич
Тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: urdu.uz.

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ да тарқатилди.

(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

С.Р.Давлетов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

Я.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, (PhD), доц.

У.И.Абдуллаев

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д, доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги кунда уй-жой сиёсати дунё давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида асосий ўрин тутди. Сўнгги йилларда жаҳонда аҳоли сонининг ошиши ва яшаш учун ерларнинг камайиши улардан унумли фойдаланишни талаб қилмоқда. Бошқа томондан, бу уй-жой сиёсати фақат қурилиш ишлари билан боғлиқ бўлмай, балки давлатларнинг шаҳарсозлик сиёсати билан ҳам алоқадор. Айнан мана шу сиёсат натижасида уй-жой қурилишининг ривожланиш ёки пасайиш босқичларини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, уй-жой масалалари демографик ва миграцион вазиятлар орқали ҳам ўлчанадиган соҳа ҳисобланади. Уй-жой сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ёки аксинча, уларнинг уй-жой сиёсатига таъсирини ўрганиш орқали шаҳарсозликни ривожлантиришга ёрдам берадиган маълум бир маълумотларни аниқлаш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот институтларида шаҳарсозлик тарихи йўналишида салмоқли илмий ишлар қилинмоқда. Германия, Франция, Буюк Британия ва АКШдаги гуманитар институтларида ҳамда Россия Фанлар академиясининг тарих институтидаги марказларда шаҳарсозликнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи тадқиқ этилмоқда. Натижада бугунги кунда уй-жой сиёсати тарихига оид кўплаб масалалар МДХ ва бошқа хориж мамлакатлари тадқиқотчиларининг қизиқишларини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилиётган туб ислохотлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тараққиётига замин яратмоқда. Мазкур жараёнда уй-жой секторининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарини ривожлантириш, аҳолини маҳаллий шароитга жавоб берадиган сифатли ва арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқишга ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Хусусан, сўнгги йилларда уй-жой сиёсатига эътибор кучайиши натижасида шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жойлар қурилиши кенгайди. Мазкур ҳолат аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондиришга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2824-сон “2017-2021 йилларда Тошкент шаҳрида арзон уй-жойларни қуриш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган

жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда уй-жой сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар жараёни монографияларда, рисоаларда, даврий матбуот материалларида, у ёки бу тарзда ёритиб келинмоқда. Тадқиқот мавзуси шу вақтга қадар алоҳида масала сифатида ўрганилган бўлмасда, Ўзбекистондаги шаҳарсозлик ва уй-жой қурилиши архитектураси тарихи ҳамда замонавий талқинига доир ишларда қисман келтириб ўтилган. Бироқ мазкур илмий ишларнинг мақсади уй-жой қурилиши сиёсатини тадқиқ этиш бўлмаган ҳамда шу сабабли бу мавзуга тўлиқ тўхталиб ўтилмаган. Умуман олганда, мавзуга доир адабиётларни мазмунига кўра бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихини ўрганишга доир ишлар киради. Мазкур ишларнинг асосий масалалари мустақиллик йилларида шаҳар маданияти ва бу соҳада юзага келган ўзгаришларни қамраб олган. Бошқа томондан, мазкур илмий ишлар фақатгина мустақиллик йилларида шаҳарсозлик соҳасини тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, балки Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг ривожланиш босқичларини кўрсатиб беришдан иборат бўлган. Жумладан, И.Йўлдошев Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихига доир диссертация ҳимоя қилади. Мазкур ишда мустақиллик йилларидан аввал шаҳарсозлик сиёсатидаги вазият ва бунда уй-жой қурилишинининг аҳамияти кўрсатилиб, сўнг мустақиллик йилларида соҳадаги ўзгаришларни очиб берган¹. Бундан ташқари, айнан мустақиллик йилларида шаҳарсозлик маданиятига оид адабиётлар ҳам чоп этилди. Хусусан, Д.Зияева бош муҳаррирлигида нашр этилган “Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари” номли китоб шаҳарсозлик маданияти ва улардаги модернизация жараёнларига оид маълумотларни таҳлил қилган. Мазкур китобда уй-жой сиёсати ва қурилиши шаҳарсозликнинг асосий мезонларидан бири эканлигига урғу берилган².

Мустақиллик йилларида қадимги шаҳарсозлик маданияти ва унинг замонавий шаҳарсозлик маданиятига уйғунлашувига доир илмий тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур ишларни олиб борган тадқиқотчилар бу масалани уй-жой қурилиши билан боғлиқ жараёнлар орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Бошқача айтганда, уй-жой қурилишидаги ўзгаришлар орқали

¹ Йўлдошев И. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011. – 27 б.

² Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари. Масъул муҳаррир Зияева Д. – Тошкент, 2016. – 150 б.

замонавий шаҳарсозлик маданиятини тавсиллашга ҳаракат қилинган³. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида замонавий шаҳарсозликнинг тараққиётини таҳлил этган бир қанча илмий ишлар юзага келди⁴.

Ўзбекистон тарихий биноларга бой мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг аксарият шаҳарларида уй-жой сиёсатини олиб боришда бу масалага алоҳида аҳамият бериш талаб қилинади. Бошқача айтганда, мустақиллик йилларида фақатгина замонавий уйлар қуриш эмас, балки мавжуд тарихий биноларни сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади. Бу масалани тадқиқ этган ишлар асосан архитектура соҳасига оид илмий ишлар ҳисоблансада, замонавий уй-жой қурилиш сиёсатини тушунишда муҳим аҳамият касб этади⁵. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларда замонавий уй-жойлар қуриш ривожланди. Бу масала ҳам тадқиқотчилар эътиборида бўлиб, уларни ўрганиш Ўзбекистондаги уй-жой сиёсатидаги ўзгаришларни англашга ёрдам беради⁶. Уй-жой сиёсатида мавжуд уйларни тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнги йилларда бу масалалга доир бир қанча илмий ишлар нашр этилган⁷.

Иккинчи гуруҳга 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда турар-жой қурилишига оид тадқиқотлар киради. Мазкур илмий ишлар турар-жой қурилиши архитектура ва қурилиш нуқтаи-назаридан таҳлил қилган. Айниқса “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш” ва бошқа журналларда бу масалага оид кўплаб мақолалар чоп этилган⁸. Бундан ташқари, бу йўналишда илмий ишлар ҳимоя қилинган ва монографиялар чоп этилган⁹.

Учинчи гуруҳга уй-жой ҳуқуқи соҳасида олиб борилган илмий ишлар кириб, бу мавзуда бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларнинг асосий мақсади ўша давр учун уй-жой ҳуқуқида юзага

³ Пўлатов Х., Маматмусаев Т. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2017. – 136 б.; Зиёев А. Эски шаҳарнинг “Куштут” ва “Тузар боши” маҳаллалари // Мозийдан садо. – 2020. – № 2. – Б.8-12.

⁴ Аҳмедов М.К., Назарова Д.А., Ҳасанов А.О. Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлигининг тараққиёт йўллари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 132 б.

⁵ Айматов А.А. Самарқанд шаҳри тарихий турар жойларини сақлаш ва қайта тиклаш йўлларини такомиллаштириш. Архитектура бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Тошкент, 2020. – 174 б.

⁶ Тоштемир М. Ўн йил давомида Республикамиз ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида 123 мингдан ортиқ уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди // Ўзбекистон овози. – 2020. – №58.

⁷ Султанов А.С. Коммунал хўжалигида уй-жой фондидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари. – “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар” конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 59-62; Султанов А.С. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй- жой фондини бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2021. – 56 б.

⁸ Бакирханов Р. Новые условия и проблемы развития поселения Республики Узбекистан // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 1995. – № 1-2. – Б. 2-4; Сагтор Ж. Пахса деворнинг қайта тикланиши: Турар-жой биноларини қуриш хусусида // Гулистон. – 1996. – № 3. – Б. 24-25; Абдурахманов Р. Қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод ва кўркем бўлсин! // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 2009. – № 1. – Б. 12; Курбонов Ш. Турар-жой бинолари лойиҳалари ҳар бир регионнинг табиий иқлим шароитлари, урф-одатлари ва демографик тузилишини ҳисобга олган бўлиши шарт // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 2009. – № 5. – Б. 26.

⁹ Аҳмедов М.К., Назарова Д.А., Ҳасанов А.О. Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлигининг тараққиёт йўллари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – 132 б.; Айматов А.А. Самарқанд шаҳри тарихий турар жойларини сақлаш ва қайта тиклаш йўлларини такомиллаштириш. Архитектура бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Тошкент, 2020. – 174 б.

келган муаммоларга ечим излаш бўлган бўлсада, бугунги кунда ушбу ишлар бизга уй-жой ҳуқуқи тарихини тушунишга ёрдам беради¹⁰.

Тўртинчи гуруҳга уй-жой соҳасининг иқтисодий масалаларини тадқиқ этган ишларни киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотлар асосан ўрганилаётган даврда турар-жой соҳасида амалга оширилган ислоҳатларнинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратган¹¹.

Мавзу тарихшунослиги шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда уй-жой сиёсатини тадқиқ этишни мақсад қилган илмий ишлар деярли нашр этилмаган. Шу сабабли, мазкур мавзунинг ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ, ФА-А14-001-сонли “Бино ва иншоотлар зилзилабардошлилигини таъминлашнинг актив усуллари яратиш (меъморий ёдгорликлар ва замонавий бинолар мисолида)” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой сиёсати тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мустақиллик йилларида уй-жой қурилишига оид меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда уй-жой сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий-бошқарув жиҳатларини кўрсатиб бериш ва бунинг шаҳарсозлик йўналишидаги аҳамиятини очиб бериш;

1991-2021 йилларда иқтисодий сиёсатнинг ҳамда демографик ҳолатнинг уй-жой қурилишига таъсирини ёритиб бериш;

Уй-жой қурилиши соҳасида рўй берган ўзгаришлар ва бу соҳада вужудга келган янги тенденцияларни таҳлил қилиш;

Демографик вазият ва миграцион жараёнлар натижасида Ўзбекистон шаҳарларида ва қишлоқларида уй-жой муаммосининг юзага келиши ҳамда бу муаммонинг ҳал этилиш жараёнларини асослаш;

¹⁰ Агеев Ю. Хусусий уй-жойлар // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 1997. – № 1-2. – Б. 34-37; Кудрявцев И. Турар жой дахлсизлиги // Қонун Ҳимоясида. – 2004. – № 5. – Б. 19; Ашурова М. Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи: уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №3. – Б. 52; Худойбердиева М. Ўз уйим – ўлан тўшагим: ёхуд фуқароларнинг хусусий уй-жойларга оид ҳуқуқлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – № 10. – Б. 31; Элмуродов М. Уй-жой билан боғлиқ муаммога дуч келдингиз... // Ҳуқуқ ва бурч. – 2011. – № 1. – Б.23-26; Аллаярова, М. Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи: унинг вужудга келиш тартиби // Нуқуқ ва бурч. – 2015. – № 9. – Б. 44; Холмўминов О. Ер участкаларидан фойдаланиш: унинг ҳуқуқий асослари ва қўллаш амалиёти. // Нуқуқ ва бурч. – 2015. – № 9. – Б. 47-48; Назаров Ш. Уй-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича суд амалиёти. – Тошкент, 2019; Бозоров Р. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш - ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида // “UzBridge” журнали. – 2021. – № 1. – Б. 106-107.

¹¹ Гофуров Ш. Хусусийлаштириш босқичлари ёки Ўзбекистонда бу жараён қандай кечмоқда? // Иқтисод ва ҳисоб. – 1993. – № 11-12. – Б. 23; Обломуродов Н. Уй-жой қурилишига инвестицияларни жалб этишнинг янги имкониятлари // Халқаро молия ва ҳисоб. – 2017. – № 5. – Б. 2-3; Исаков М. Ю., Ядгаров А.А. Иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашнинг долзарб масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – 2018. – № 3. – Б. 2-6.

Уй-жой ҳуқуқи ва хусусийлаштириш жараёнларининг тарихий босқичларини очиб бериш;

Уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиш босқичларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой қурилиши тарихини ўрганишга доир маълумотлар тадқиқидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мустақиллик йилларида уй-жой сиёсатининг шаҳарсозлик тармоғига таъсири ва уй-жой қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий ва муаммовий - хронологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда уй-жой сиёсати уй-жой фондларини хусусийлаштириш оқибатида хусусий турар-жойлар улушининг ошганлиги (1991-2000 йй.), аҳолининг маълум бир қатламлари учун уй-жой қурилишининг кенгайганлиги (2001-2015 йй.), барча аҳоли қатламини уй-жой билан таъминлаш мақсадида шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида турар-жойлар қуриш ривожланганлиги (2016-2021 йиллар) каби учта босқичда шаклланганлиги асосланган;

мустақилликнинг дастлабки йилларида турар-жойларни асосан маҳаллий аҳолининг ўзлари қурганлиги, кейинчалик хусусий қурилиш ташкилотларининг юзага келиши ҳамда аҳолига имтиёзли кредитлар асосида турар-жойлар таклиф этилиши натижасида аҳолининг тайёр турар-жойларни сотиб олиш имконияти ошганлиги далилланган;

1991-2021 йиллар оралиғида шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида яқка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар қурилишининг ривожланиб бориши бир кишига тўғри келадиган яшаш майдони ҳажмининг ошишига олиб келганлиги аниқланган;

коммунал хизмат кўрсатиш ширкатларининг ташкил этилиши натижасида соҳани марказлаштирилган ҳолда бошқариш амалиёти тугатилганлиги ва бу ҳолат аҳолининг коммунал хўжалик бўйича муаммоларини самарали ечишга хизмат қилганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда уй-жой сиёсати тарихига доир архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар ва даврий матбуот материалларини аниқлаш, қиёсий таҳлил қилиш асосида ҳудудда мазкур тармоқ тарихини ўрганишнинг назарий концептуал асослари кўрсатиб берилган.

Сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг уй-жой соҳасига таъсири Ватан тарихшунослигида илк бор 1991–2021 йиллар доирасида ўрганилиб, аниқланган муаммолар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўйилган масалалар 1991 – 2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой сиёсати тарихига оид архив ҳужжатлари, жумладан, вилоят давлат архивлари ҳужжатларига таяниб

ёзилган. Бундан ташқари, бир нечта даврий матбуот материаллари илмий муомалага тортилган.

Шунингдек, ушбу диссертация мавзуси юзасидан Хоразм вилоятидаги аҳоли ва уй-жой қурилиш соҳасидаги мутахассислар ўртасида ижтимоий тадқиқотлар ўтказилди. Манбалар турининг кенглиги тадқиқотда қўйилган масалаларни қиёсий таҳлил этиш имконини бериш билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар, хулосалар ҳамда назарий фикрлар Ўзбекистонда уй-жой сиёсати ва турар-жой қурилиши тарихига оид маълумотларни бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уй-жой сиёсати билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ҳамда бу соҳага доир давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой соҳаси тарихига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

мустақилликнинг дастлабки йилларида турар-жойларни асосан маҳаллий аҳолининг ўзлари қурганлиги, кейинчалик хусусий қурилиш ташкилотларининг юзага келиши ҳамда аҳолига имтиёзли кредитлар асосида турар-жойлар таклиф этилиши натижасида аҳолининг тайёр турар-жойларни сотиб олиш имконияти ошганлиги, коммунал хизмат кўрсатиш ширкатларининг ташкил этилиши натижасида соҳани марказлаштирилган ҳолда бошқариш амалиёти тугатилганлиги ва бу ҳолат аҳолининг коммунал хўжалик бўйича муаммоларини самарали ечишга хизмат қилганлигига оид таҳлилий маълумотлар ва олинган илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари ва комиссиялари мажлисларида мулк ҳуқуқи, уй-жойга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, уй-жойдан фойдаланишда янги ҳуқуқий муносабатлар ҳамда ер участкалари тақсимланишда очиклик ва шаффофлик таъминлашга доир қонун лойиҳалар муҳокамасида ҳамда кўмита ва комиссияларнинг назорат-таҳлил фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 1-сон маълумотномаси). Натижаларнинг Сенатнинг уй-жой соҳасига доир қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада такомиллашувига ҳамда кўмита ва комиссиялар назорат-таҳлил фаолиятида тарихий-таҳлилий маълумотлардан кенг фойдаланишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда уй-жой сиёсати уй-жой фондларини хусусийлаштириш оқибатида хусусий турар-жойлар улушининг ошганлиги (1991-2000 йй.), аҳолининг маълум бир қатламлари учун уй-жой қурилишининг кенгайганлиги (2001-2015 йй.), барча аҳоли қатламини уй-жой билан таъминлаш мақсадида шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида турар-жойлар қуриш ривожланганлиги (2016-2021 йиллар) каби учта босқичда шаклланганлиги, 1991-2021 йиллар оралиғида шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида яқка тартибдаги

ва кўп қаватли турар-жойлар қурилишининг ривожланиб бориши бир кишига тўғри келадиган яшаш майдони ҳажмининг ошишига олиб келганлигига оид маълумотлардан “O`zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини ёзишда фойдаланилган (“O`zbekiston teleradiokanali” давлат муассасасининг 2022 йил 28 июлдаги 02-06-1190-сон маълумотномаси). Натижалар телетомошабинларнинг мустақиллик йилларида Ўзбекистонда уй-жой сиёсати тарихи, жумладан, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилишнинг ривожланиши, турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг кучайиши, уй-жой қурилишни давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб қувватланишининг ортиб бориши тўғрисидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари жами 9 та нашр қилинган ишларда, жумладан, ОАК рўйхатидан ўрин олган республика ва хориж журналларида чоп этилган 5 та мақола, 4 та илмий тўплам ҳамда конференция материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

Диссертация матнининг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари ҳамда муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбекистонда уй-жой сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳамда мулк ҳуқуқи тарихий босқичлари**” деб номланган бўлиб, у уч параграфдан иборат. Мазкур бобнинг *биринчи параграфида* 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва қонунчилик масалалари таҳлил қилинган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида уй-жой сиёсати Собиқ Иттифок даврида ишлаб чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилган эди. Бунга асосий сабаб дастлабки йилларда янги норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги

билан боғлиқ эди. 1990 йилларниг ўрталарига келиб уй-жой сиёсати билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қайта ишлана бошлайди¹².

1991-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистонда уй-жой сиёсатини олиб борган¹³. Бироқ, мазкур даврда уй-жой соҳасидаги бошқарув ташкилотлари бир неча бор ўзгарган. Хусусан, 1991-1993 йилларда мазкур соҳада икки ташкилот бу вазифани бажарган. Булар Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш ишлари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси архитектура ва шаҳарсозлик қўмитаси бўлган. 1993 йил 6 августда ушбу икки ташкилот ўрнига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ташкил топган¹⁴. Ушбу ташкилотнинг вилоятларда Архитектура ва шаҳарсозлик ҳудудий бошқармалари мавжуд бўлган¹⁵. 2018 йилда мазкур ташкилот ўз фаолиятини тўхтатган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ташкил топган. Мазкур ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунган ва унга ҳисобот берган¹⁶.

Соҳага оид қонунчилик даврий жиҳатдан ўзгаришлар учраган бўлиб, улар асосан Ўзбекистоннинг ўша даврдаги уй-жой сиёсатининг асосий йўналишига боғлиқ эди. 1990 йилларнинг бошлари ва ўрталарида Ўзбекистон шаҳарларида турар-жойларни ва корхоналарни қуриш бўйича шаҳарсозлик ва экологик тамойилларга қарши бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган¹⁷. Шу сабабли, мазкур соҳани тартибга солиш учун бир қанча расмий ҳужжатлар қабул қилинган. 1994 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-774 сонли Фармони чиққан. Мазкур ҳужжат амалда хусусий уй-жой қуриш учун ерларни танлаш мезонларини белгилаб берган¹⁸. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси кучга кирган бўлиб, ушбу кодекс уй-жойга оид мулкий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин эгаллаган¹⁹.

2000 йилларда ҳам уй-жой қурилишига оид бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, шу даврдан бошлаб маълум бир аҳоли гуруҳларини уй-жой билан таъминлаш масаласи кўтарилган ҳамда бу кейинчалик уй-жой сиёсатида ўзининг аксини топган. 2010 йилларда асосан қишлоқ ҳудудларида уй-жой қуришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

¹² Бакирханов Р. Новые условия и проблемы развития поселения Республики Узбекистан // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 1995. – № 1-2. – Б. 2.

¹³ Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни баҳолаш: айрим қонунлар ва амалиёт таҳлили. – Женева, 2021. – Б. 35.

¹⁴ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 79-варақ.

¹⁵ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 33-варақ.

¹⁶ Масалан, Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш ишлари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига берган ҳисоботлари Ўзбекистон Миллий Архивида сақланади. Қаранг: ЎЗМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 8-9-варақлар; ЎЗМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 1-79-варақлар;

¹⁷ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 2-варақ.

¹⁸ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 31-варақ.

¹⁹ Қасимова З. Якка тартибда уй-жой қуришнинг ҳуқуқий асослари : даврлаштириш, муаммо ва ечими // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2008. – № 2. – Б. 29; Ашурова М. Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи: уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №3. – Б. 52.

2016-2021 йилларда уй-жой қуриш ишлари ривожланди ҳамда бу ҳолат мазкур соҳага эътибор кучайганлигидан далолат беради. Хусусан, ушбу давр оралиғида уй-жой сиёсатини ривожлантиришга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур расмий ҳужжатлар асосида бир қанча уй-жой қурилиш дастурлари амалиётга татбиқ этилган²⁰. Мазкур даврда нафақат қишлоқ ҳудудларида, балки шаҳарларда ҳам арзон уй-жойлар қуриш ишлари кенг ривожланган²¹. Шунингдек, 2016-2021 йиллар оралиғида ёш оилаларга ҳамда эҳтиёжманд оилаларга уйлар қуриш кучайди. Бу асосан давлат томонидан арзон уй-жойлар қуриш ҳамда уларни ипотека кредитлари асосида харидорларга сотиш тизимида олиб борилган²².

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* Ўзбекистонда уй-жойларни хусусийлаштириш жараёнлари ҳамда турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг тарихий босқичлари очиб берилган. Совет Иттифоқида уй-жойлар фонди давлат фонди, жамоатчилик, кооператив ва шахсий фондлардан ташкил топган эди²³. Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиб, ижарачиларга асосан бепул ёки жуда арзон нархларда берилган²⁴.

Ўзбекистонда давлат уй-жой фондларини хусусийлаштириш 1992 йилда биринчи марта эксперимент сифатида Тошкент шаҳрида олиб борилган²⁵. 1993 йилда давлат уй-жой фондларини хусусийлаштириш бутун республика бўйлаб амалга оширилган. Хусусийлаштириш натижасида Ўзбекистонда хусусий уй-жойлар миқдори 41 фоиздан 98 фоизгача етган²⁶. 1993 йилда Бухоро вилоятида 98,5 фоиз, Фарғона вилоятида 91,3 фоиз ва Наманган вилоятида 63,7 фоиз уй-жой фонди хусусийлаштирилиб бўлинган эди²⁷. Бошқа томондан, бир қанча мутахассислар фикрига кўра, дастлабки даврда уй-жойларнинг хусусийлаштирилиши уй-жой муаммосига оид масалаларни керакли даражада ҳал қила олмаган²⁸.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – 3-4-сон. – 29-модда; 2013. – 2-сон. – 17-модда.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2660-сон Қарори / <https://lex.uz/docs/3079770>.

²² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 4-сон. – 53-модда; 37-сон. – 996-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 09/17/839/0131-сон, 20.06.2019 й., 09/19/498/3310-сон, 22.10.2019 й., 09/19/889/3945-сон.

²³ Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни баҳолаш: айрим қонунлар ва амалиёт таҳлили. – Женева, 2021. – Б. 35.

²⁴ Шрёдер Х., Юранек С. Постсоветский жилищный сектор в процессе трансформации. / *Das Wohnungswesen in Zentralasien*. – Bochum, 2019. – № 35. – С. 31.

²⁵ Гофуров Ш. Хусусийлаштириш босқичлари ёки Ўзбекистонда бу жараён қандай кечмоқда? // *Иқтисод ва ҳисоб*. – 1993. – № 11-12. – Б. 23; Маликова Г. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ривожлантириш: тажриба ва муаммолар // *Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари*. – 2014. – № 4. – Б. 34.

²⁶ UNECE: Национальный обзор жилищного хозяйства и землепользования. Узбекистан. – Нью-Йорк-Женева, 2015. – С. 28.

²⁷ Гофуров Ш. Хусусийлаштириш босқичлари ёки Ўзбекистонда бу жараён қандай кечмоқда? // *Иқтисод ва ҳисоб*. – 1993. – № 11-12. – Б. 23.

²⁸ Элмуродов М. Уй-жой билан боғлиқ муаммога дуч келдингиз... // *Ҳуқуқ ва бурч*. – 2011. – № 1. – Б. 24; Маликова Г. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ривожлантириш: тажриба ва муаммолар // *Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари*. – 2014. – № 4. – Б. 34.

1994 йилда уй-жойлар билан биргаликда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари олиб борилган. Мазкур сиёсат уй-жой тизимига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Чунки, давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи аҳолининг ижтимоий таъминланмаган қатламлари учун уй-жой қуришга сарфланган²⁹. 2006 йилдан бошлаб ер участкаларини хусусийлаштириш орқали турар-жой масаласини ечишга ҳаракат қилинган³⁰.

Ўзбекистонда уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи қуйидагилар натижасида вужудга келган: якка тартибда уй-жой қуриш; уй-жой облигацияларини олиш; уй-жой қуриш; олди-сотди, ҳадя ва айирбошлаш; мерос олиш; ва хусусийлаштириш³¹. Ўзбекистон Конституциясида уй-жой ҳуқуқини муайян даражада муҳофаза қилиши мумкин бўлган конституционал қоидалар мавжуд бўлган³². Бошқача айтганда, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланган³³. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг қабул қилиниши аҳолининг уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган³⁴.

Мустақиллик йилларида аҳоли ўзининг мулк ҳуқуқини судлар орқали ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Масалан, 2010 йилда Тошкент вилояти судлари томонидан 52518 та ишдан 647 тасини уй-жой билан боғлиқ низолар ташкил этган. Шундан 558 тасида давогарларнинг талаблари қондирилган³⁵.

Биринчи бобнинг *учинчи параграфида* 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсатининг тарихий босқичлари кўриб чиқилган.

Мустақилликнинг дастлабки давридан аҳолини уй-жой билан таъминлашда янгича йўл тутилган. Мавжуд манбалар буни Тошкент шаҳри мисолида кўриб чиқиш имконини беради. 1996 йилда “Тошкентуйжойжамғармабанки” ташкил этилган. Тошкент шаҳри аҳолиси шу банк облигациялари бўйича уй-жойларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган³⁶. 1996 йилда тажриба тариқасида 15 та турар жой биноси қурилган³⁷. Мазкур турар жойлар тўрт қаватли бўлган бўлиб, Тошкент шаҳрининг Миробод, Тахтапул, Ц-26 мавзелари, Генерал Узоқов, М. Уйғур, Беруний ва

²⁹ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 33-варак.

³⁰ Шоназаров Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари, ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги фармонини тадбиқ этамиз // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 2007. – №1. – Б. 29.

³¹ Назаров Ш. Уй-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича суд амалиёти. – Тошкент, 2019. – Б. 6.

³² Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни баҳолаш: айрим қонунлар ва амалиёт таҳлили. – Женева, 2021. – Б. 34-35.

³³ Кудрявцев И. Турар жой дахлсизлиги // Қонун Ҳимоясида. – 2004. – № 5. – Б. 19.

³⁴ Назаров Ш. Уй-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича суд амалиёти. – Тошкент, 2019. – Б. 11.

³⁵ Элмуродов М. Уй-жой билан боғлиқ муаммога дуч келдингиз... // Ҳуқуқ ва бурч. – 2011. – № 1. – Б.26.

³⁶ Тўлаганов К. Тошкент тажрибаси. Натижа ва истиқбол (Аҳолини уй-жой билан таъминлашдаги тажрибалар хусусида) // Халқ сўзи. – 1997. – № 55.

³⁷ Болиев А. Уй-жой қурилиши: рағбат ва имтиёз // Ўзбекистон овози. – 1997. – № 37.

Форобий кўчаларида қурилган.³⁸ Ушбу хонадонларни 216 та оила ушбу банк орқали сотиб олган.

Бошқа томондан, “Тошуйжойжамғармабанк” томонидан қурилган айрим уйлар аҳоли норозилигига сабаб бўлган. Архив маълумотларига кўра, 1996 йилда мазкур банк Тошкент шаҳри Гулобод маҳалласининг 1 ва 2 уйлар оралиғида кўп қаватли уй куради. Мазкур янги уй маҳалланинг тўйхонаси ўрнига қурилган бўлган. Шу сабабли, аҳоли мазкур ҳолатдан норози бўлади³⁹. Ушбу норозиликдан кейин “Тошуйжойжамғармабанк” маҳаллага янги тўйхона қуриб беради ва муаммо шу билан ечилади.

2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда аҳолининг айрим тоифаларини уй-жой билан таъминлашга қаратилган чоралар кўрилади бошлади. Айниқса, ўқитувчилар, ҳарбий хизматчилар ҳамда ёш оилаларни турар-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараёнда қайси ҳудудда меҳнат қилувчи ёки хизмат қилувчи аҳоли гуруҳлари талаблари ҳисобга олинган. Бошқача айтганда, қайси ҳудудда қайси касб вакиллари уй-жойга эга бўлиш зарурияти мавжуд бўлган бўлса, ўша ҳудудда мазкур аҳоли вакиллари учун уй-жойлар қурилган⁴⁰.

2010 йилдан кейин Ўзбекистоннинг бир қанча ҳудудларида ёшлар ва ёш оилалар учун уйлар қурилади бошланди. Бу уйлар аҳоли орасида асосан “Камолот” уйлари номи билан машҳур бўлган. “Камолот” уйларини фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ҳамда ариза берилган пайтда ўттиз ёшдан ошмаган эр-хотинлар ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган⁴¹. Мазкур йилларда Ўзбекистоннинг бир қанча шаҳарларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари учун уйлар қурилган. Хусусан, 2014 йилда Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ҳамда Асака ва Балиқчи туманларида ёшлар учун “Камолот” уйлари қурилган⁴².

2016-2021 йилларда Ўзбекистон ҳукумати аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун бир қанча самарали ишларни олиб борган. Ўз навбатида, мазкур давр уй-жой сиёсатини икки йўналишда таҳлил қилиш мумкин. Биринчи йўналиш сифатида аҳолининг барча қатламини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кирган⁴³. Иккинчи йўналиш эса аҳолининг маълум бир тоифаларини уй-жой билан таъминлашга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бундай тоифага ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика

³⁸ Жаббаров Ш., Ўтбосоров И. Кучли ижтимоий сиёсат самараси // Халқ сўзи. – 1997. – № 66.

³⁹ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 22-варақ.

⁴⁰ Қаранг: Турматов А. Мустақиллик йилларида Навоий вилоятининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги олиб борган ишлари // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 2008. – № 5. – Б. 19; Абдурахманов Р. Қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод ва кўркем бўлсин! // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 2009. – № 1. – Б. 12; Шодмоналиев О. Ҳарбийларга шинам уй-жойлар // Халқ сўзи. – 2010. – № 250; Солиев А. Ҳарбийлар оиласи учун уйлар // Ўзбекистон овози. – 2011. – № 1; Аслонова Р. Янги уй ва янги мактаб ўқитувчиларни янгича ишлашга руҳлантирмоқда // Ма’рифат. – 2013. – № 2.

⁴¹ Файзиев О. Энг улуғ мақсад – фарзандларимиз бахту саодати // Халқ сўзи. – 2015. – № 112.

⁴² Шукуров С. “Камолот” уйлари бунёд этилмоқда // Халқ сўзи. – 2014. – № 223.

⁴³ Бу бўйича батафсил қаранг: Бозоров Р. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш - ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида // ‘UzBridge’ журнали. – 2021. – № 1. – Б. 106-107.

инспекторлари, ёш оилалар, хотин-қизлар, меҳнат мигрантлари ҳамда “Сардоба сув омбори” тўғонида юз берган фавқулодда ҳодиса натижасида қийин аҳволга тушиб қолган аҳоли кирган. Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган⁴⁴.

Иккинчи боб “Ўзбекистонда турар-жойлар қуришнинг ривожланиши: тарихий таҳлил” деб номланиб, ушбу боб уч параграфдан иборатдир. Мазкур бобнинг *биринчи параграфид*а 1991-2021 йилларда уй-жой қуришнинг ривожланиш тенденцияси таҳлил қилинган. Янги уй-жойлар қуриш аҳолини уй билан таъминлашнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу сабабли, қурилиш соҳаси уй-жой сиёсатининг муҳим бўлаги ҳисобланади.

1990 йилларда Ўзбекистон шаҳарларида турар-жой қуриш ва шаҳарсозлик ўртасида номутаносибликлар мавжуд бўлган⁴⁵. Қурилиш ишлари ва материаллари устидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси назорат олиб борган⁴⁶. Масалан, 1995 йилда Хоразм вилоятидаги 78 та қурилиш объектида текшириш ишлари олиб борилган⁴⁷.

1995-2004 йиллар оралиғида уй-жойларнинг умумий майдони ошиб борган. Хусусан, 1995 йилда Ўзбекистонда уй-жойларнинг умумий майдони 291,8 миллион квадрат метр, 1996 йилда 303,6 миллион квадрат метр, 1997 йилда 309,5 миллион квадрат метр, 1998 йилда 317,5 миллион квадрат метр, 1999 йилда 330,3 миллион квадрат метр, 2000 йилда 339,9 миллион квадрат метр, 2001 йилда 350,3 миллион квадрат метр, 2002 йилда 360,9 миллион квадрат метр, 2003 йилда 365,7 миллион квадрат метр ҳамда 2004 йилда 373,5 миллион квадрат метрни ташкил этган. Бошқа томондан, давлат ва шахсий уй-жойлар умумий майдонида икки хил тенденция кузатилган. Бошқача айтганда, мазкур йиллар орасида давлат уйларнинг умумий майдони қисқариб борган бўлса, шахсий уйларнинг умумий майдони ҳажми ошиб борган⁴⁸.

Архив манбалари 2009 йилда вилоятлар кесимида жами турар-жой фонди сони, уларнинг майдони ҳамда мавжуд хонадонлар сонини таҳлил қилиш имконини беради. Буни Сирдарё вилояти мисолида кўрадиган бўлсак қуйидаги маназара кўзга ташланади. 2009 йилда Сирдраё вилоятида жами турар-жой фонди сони 144 002 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг умумий майдони 10 827 минг м² ни ташкил этган. Жумладан, қишлоқ жойларда жами турар-жой фондини миқдори 92 801 та бўлган ва уларнинг майдони 7 182,3 минг м² дан иборат бўлган⁴⁹. Шунингдек, 2009 йилда вилоятда жами

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси биринчи иш куни тўғрисида ахборот // Халқ сўзи. – 2021. – №268; Худойшукуров З. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар учун уй-жой ажратиш ҳолати қандай? // Халқ сўзи. – 2021. – № 263.

⁴⁵ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 1-17-варақлар.

⁴⁶ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 54-58-варақлар.

⁴⁷ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 59-варақ.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2005. – Б. 89.

⁴⁹ Сирдарё вилояти ҳокимияти жорий архиви.

хонадонлар сони 144 минг тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 23 мингтаси кўп қаватли уйлар ҳисобланган⁵⁰. Мазкур йилда Сирдарё вилоятида бир кишига тўғри келадиган ўртача турар-жой фонди 15,5 метр квадратни ташкил этган⁵¹.

2009-2012 йилларда 23,6 минг та уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилган⁵². 2009-2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69,557 та уй-жой қурилган⁵³. Ўзбекистонда уй-жой қурилиш статистикасини Жиззах вилояти мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. 2014 йилда Жиззах вилоятида фойдаланишга топширилган турар-жойлар миқдори 3 659 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг умумий майдони 564 119 метр квадратдан иборат бўлган. Буларга қишлоқ ҳудудларида қурилган намунавий уй-жойлар ҳам кирган⁵⁴.

2015 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда умумий майдони тахминан 457,9 миллион метр квадрат бўлган 5,7 миллионга яқин уй-жой мавжуд бўлган. 2006 йилда уй-жой фонди 1991 йилга нисбатан 49,7 фоизга ошган. Шунингдек, 2012 йилда уй-жойларни фойдаланишга топшириш 2007 йилга нисбатан 30 фоизга кўпайган. 2013 йилда фойдаланишга топширилган 10,7 миллион квадрат метр уй-жойнинг 8 миллион квадрат метри қишлоқ жойларда қурилган⁵⁵.

Энди 2013 ва 2021 йилларда уй-жой қурилиш соҳасини таққосласак куйидаги манзара кўзга ташланади. 2013 йилда 10 мингта уй-жой барпо этилган бўлса, 2021 йилда 54 минг оила уй-жой билан таъминланган. 2021 йилни ҳудудлар миқёсида айтганда, Қорақалпоғистонда 2290 та, Андижонда 4665 та, Бухорода 3220 та, Жиззахда 1670 та, Қашқадарёда 3710 та, Навоийда 1836 та, Наманганда 4025 та, Самарқандда 4479 та, Сурхондарёда 3989 та, Сирдарёда 1414 та, Тошкент вилоятида 4046 та, Фарғонада 4530 та, Хоразмда 3016 та ва Тошкент шаҳрида 7556 та уй-жой қуриб битказилган⁵⁶.

Ушбу бобнинг *иккинчи параграфида* 1991-2021 йилларда қишлоқ ҳудудларида уй-жой қуришнинг ривожланиш босқичлари очиб берилган. 1995-2004 йилларда Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудларида уй-жойларнинг умумий майдони 169,4 миллион квадрат метрдан 231,4 миллион квадрат метрга етган. Қишлоқлада мазкур йиллар оралиғида давлат уй-жой фонди ҳажми кескин камайган бўлса, шахсий уйлар умумий майдони анча ошиб борган. Хусусан, давлат уй-жой фонди ҳажми 1995 йилда 3,6 миллион квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 0,5 миллион

⁵⁰ Сирдарё вилояти ҳокимияти жорий архиви.

⁵¹ Сирдарё вилояти ҳокимияти жорий архиви.

⁵² Бу шунчаки рақамлар эмас: Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган уй-жой сиёсати ҳақида // Янги Ўзбекистон. – 2021. – №104.

⁵³ Обломуратов Н. Уй-жой қурилишига инвестицияларни жалб этишнинг янги имкониятлари // Халқаро молия ва ҳисоб. – 2017. – № 5. – Б. 2.

⁵⁴ Жиззах вилояти паспорти. 2015 й. – Б. 8. / Жиззах вилояти ҳокимияти жорий архиви

⁵⁵ UNECE: Национальный обзор жилищного хозяйства и землепользования. Узбекистан. – Нью-Йорк-Женева, 2015. – С. 29.

⁵⁶ Бу шунчаки рақамлар эмас: Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган уй-жой сиёсати ҳақида // Янги Ўзбекистон. – 2021. – №104.

квадрат метргача тушиб кетган. Шахсий уй-жойлар умумий ҳажмида аксинча кўтарилиш юз берган. Масалан, 1995 йилда шахсий турар-жойлар умумий майдони 165,8 миллион квадрат метр, 1996 йилда 178,1 миллион квадрат метр, 1997 йилда 182,7 миллион квадрат метр, 1998 йилда 187,6 миллион квадрат метр, 1999 йилда 197,4 миллион квадрат метр, 2000 йилда 204,4 миллион квадрат метр, 2001 йилда 213,6 миллион квадрат метр, 2002 йилда 220,2 миллион квадрат метр, 2003 йилда 225,4 миллион квадрат метр ҳамда 2004 йилда 230,9 миллион квадрат метрни ташкил этган⁵⁷.

2009 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда намунавий лойиҳалар бўйича 42 та массивда 847 та уй-жойлар қурилган⁵⁸. Қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар сони йилдан йилга ошиб борган. Хусусан, 2010 йилда република бўйича намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги 6800 та тураржой қурилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 7400 тани, 2012 йилда 8510 тани, 2013 йилда 10 000 тани ҳамда 2014 йилда 11 000 тани ташкил этган. 2014 йилда Ўзбекистондаги 151 туманнинг 330 та массивида 11000 та уй-жой қурилган. Уларнинг умумий майдони 1534,7 минг квадрат метр бўлган бўлиб, лойиҳавий қиймати 1760 млрд. сўмни ташкил этган⁵⁹.

Намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларни вилоятлар кесимида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, 2012 йилда Жиззах вилоятида 444 та ва 2013 йилда 550 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилган бўлса, 2014 йилда бундай турдаги уй-жойларнинг миқдори 627 та етган. Уларнинг майдони мос равишда ошиб борган бўлиб, улар 2012 йилда 60 162 метр квадрат, 2013 йилда 73 566 метр квадрат ҳамда 2014 йилда 84 018 метр квадратни ташкил этган⁶⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги Қарори натижасида қишлоқ ҳудудларида якка тартибда уй-жой қурилишига янгича ёндашувлар жорий қилинди. Ушбу ҳужжат асосида 2016-2021 йилларда қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш дастури амалга оширилган⁶¹.

Иккинчи бобнинг *учинчи параграфи* хусусий уй-жойлар ва хусусий фирмаларнинг турар-жой қурилишидаги ўрнини тадқиқ этишдан иборатдир. 1991-1993 йилларда аҳолига турар-жой қуриш учун ерлар қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги таркибига кирган суғориладиган ёки лалми ерлардан ажратилган. Мазкур ҳолат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг нархини ошишига ва соҳада йўқотишларга олиб келган⁶². Ўзбекистонда 1994 йилда ер солиғи соҳасида ислоҳатлар бўлиб ўтган. Ушбу ўзгаришларга кўра, туман

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2005. – Б. 89.

⁵⁸ Хошимбеков К. Қишлоқларимизнинг бугунги кўрки // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш. – 2010. – № 2. – Б. 7.

⁵⁹ Обод юртнинг мафтункор гўшалари // Халқ сўзи. – 2014. – № 223.

⁶⁰ Жиззах вилояти паспорти. Жиззах. 2015. Б. 9. / Жиззах вилояти ҳокимлиги жорий архиви

⁶¹ Обломуратов Н. Уй-жой қурилишига инвестицияларни жалб этишнинг янги имкониятлари // Халқаро молия ва ҳисоб. – 2017. – № 5. – Б. 2-3.

⁶² ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 78-варак.

ва шаҳарлардаги барча ер майдонларнинг кадастр хужжатлари тузиб чиқилган. Ушбу жараёнда хусусий уйларнинг кадастри такомиллаштирилган ҳамда уй-жой қуриш учун бўш ерлар аниқланган⁶³. Кейинчалик мазкур маълумотлар асосида аҳолига уй-жой қуриш учун ерлар ажратила бошланган.

1995 йилда Ўзбекистонда фойдаланишда бўлган ерлар инвентаризация қилинган. Хусусан, республикадаги 42 255 та объектда бундай ишлар олиб бориш режалаштирилган бўлиб, 1995 йилда уларнинг 28 982 тасида инвентаризация ишлари қилинган. Хусусан, мазкур йилда Хоразм вилоятида 2 610 та объектнинг 11 98 тасида инвентаризация тугалланган⁶⁴.

Ўзбекистонда аҳоли уй-жой қуриш учун туман ёки шаҳар ер ва кадастр бўлимларига мурожаат қилган⁶⁵. Уй-жойларни лойиҳалаш ишларида ҳамда уларга амал қилишда муаммолар мавжуд бўлган. Хусусан, Жиззах вилоят “Архитектура ва қурилиш” бошқармаси яқка тартибда уй қураётганлар учун уй-жойларнинг маҳаллий шароитга мос бир нечта лойиҳаларни тавсия этган. Аммо бу лойиҳаларга амал қилганлар ҳамда уларга буюртма берганлар камчиликни ташкил этган. 2003 йилнинг январь-август ойларида Жиззах вилояти қишлоқ худудларида аҳоли томонидан 186 минг 30 квадрат метр ҳажмда 1271 та уй-жой қурилган бўлса, шуларнинг 1236 таси ўзлари тузган қўлбола режа асосида иморатларни тиклаган⁶⁶.

Аҳоли томонидан лойиҳалаштирилган аксарият уй режаларида камчиликлар мавжуд бўлган ҳамда мазкур ҳолат бир қанча мутахассислар томонидан даврий матуботда танқид қилиб турилган⁶⁷. Хусусан, 2003 йилда “Ўзбекистон овози” газетаси муҳбири Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида аҳоли турар-жойларидаги муаммо ва ютуқларни кўрсатиш учун тумандаги икки уйни солиштиради. Биринчиси ўқувчиларга ўрناк сифатида кўрсатилган бўлса, иккинчиси аҳоли турар жойларидаги камчиликларни кўрсатиш учун фойдаланади⁶⁸.

1990 йилнинг ўрталаридан бошлаб хусусий фирмалар Ўзбекистонда қурилиш соҳасига кира бошлади. 1997-2000 йилларда қурилиш соҳасидаги “Узпромгражданстрой”, “Узводстрой”, “Узагрострой”, “Узколхозстрой” ва “Главташкентстрой” каби йирик тақшилотлар, коопорациялар, бирлашмалар тугатилган. 2003 йилда эса турар-жой қурилишни амалга оширувчи бир қанча хусусий пудратлар ташкил топа бошлади. Жумладан,

⁶³ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 75-77-варақлар.

⁶⁴ ЎзМА, М.35-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 79-варақ.

⁶⁵ Жуманазаров О. Турар жой учун участкалар // Ишонч. – 2004. – № 198.

⁶⁶ Жонузоков И. Ҳовли–жойингиз сариштали, файзли-фаришталими?: Қишлоқларимиз қиёфаси, қурилаётган уй-жойлар ва миллий меъморчилигимиз муаммолари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбекистон овози. – 2003. – № 109.

⁶⁷ Аҳмаджанов М. Кулиб турадиган уй: Уй-жой қурилиши муаммоларига доир // Халқ сўзи. – 2003. – № 169; Пардаев А. Ўзбек уй курса... // Халқ сўзи. – 2004. – № 173.

⁶⁸ Жонузоков И. Ҳовли–жойингиз сариштали, файзли-фаришталими?: Қишлоқларимиз қиёфаси, қурилаётган уй-жойлар ва миллий меъморчилигимиз муаммолари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбекистон овози. – 2003. – № 109.

2010 йилда Ўзбекистон қурилиш ишлари бозорида жами 9268 тага яқин пудрат ташкилотлари фаолият юритган⁶⁹.

Учинчи боб “**Ўзбекистонда уй-жойни молиялаш, коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда соҳада кадрлар тайёрлаш**” деб номланиб, уч параграфдан иборат. Бу бобнинг *биринчи параграфид*а 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиши тадқиқ қилинган. 1990 йилларда Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришдан олдин ҳудудларни ичимлик суви ва газ билан таъминлашга эътибор қаратилган⁷⁰.

1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги бир қанча ташкилотлар таркибида бўлган. Хусусан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилган. 2006 йилда унинг ўрнига “Ўзкоммунахизмат” агентлиги ташкил этилган. 2017 йилда эса бу агентлик вазирликка айлантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги деб номланади.

